



23.10.2022 даги

"PROJECT CITY GROUP" mas'uliyati cheklangan jamiyati va Наманган шаҳар ХТБ марказ ўртасида  
2600000,00 сўм умумий суммага тузилган 386-6-91-ХТ/ - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий ғазна ҳисобварақ

075

100022860144017092100075093

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			Жами
	4239000			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	2 600 000,00			2 600 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>2 600 000,00</b>			<b>2 600 000,00</b>

Жами 2600000,00 сўм

Икки миллион олти юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 780000,00 сўм ёки 30,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20 ойда тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойдаги \_\_\_\_\_% жорий ойнанинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў.

(имзо)

Тoшпулатов Орифжон Абидович  
Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Рахимбердиев Шавкат Хасанбаевич  
Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

# ЛОЙИҲА ИШЛАРИ ПУДРАТИ ШАРТНОМАСИ

2022-й. 29.09

386-6-91-ХТ/2022-сон

Наманган ш.

«Project City Group» МЧЖ (кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритилади) номидан М.Тожибаев бир томондан ва "Буюртмачи" Наманган шаҳар халқ таълими бўлими (Устав, низом) номидан О.Ташпўлатов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пудратчи Буюртмачининг топшириғи бўйича қуйидаги лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади: **Наманган шаҳар ХТБга қарашли 6-мактаб смета лойиҳа ҳужжатларини таёрлаш хизмати учун.**

1.2. Буюртмачи лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун топшириқ бериш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тузиш учун зарур бўлган бошланғич маълумотларни бериш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиш ва ушбу шартноманинг 2-3-бандларида белгиланган тартибда ва миқдорда ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартнома баҳоси 2 600 000 ( Икки миллион олти юз минг) сўмни ташкил этади. "Буюртмачи" бажарилган ишлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 фоиз аванс тўловини олдиндан "Пудратчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.2. "Буюртмачи" тақдим этилган ҳужжатларга асосан 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

## 4. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

4.1. Пудратчи ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларини Буюртмачи берган топшириқда белгиланган муддатларда бажаради.

4.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишларининг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

5.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 1-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

5.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда Буюртмачи билан биргаликда тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш;

5.1.3. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

5.1.4. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини кафолатлаш.

5.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

5.2.1. Пудратчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

5.2.2. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартномани 1.1-бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

5.2.3. Пудратчига лойиҳа ишларини бажаришда ушбу шартномада назарда тутилган ҳажмда ва шартларда хизмат кўрсатиш;

5.2.4. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олишда Пудратчи билан бирга қатнашиш;

5.2.5. Пудратчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сабабли лойиҳа ишларини бажариш учун бошланғич маълумотлар ўзгариши билан боғлиқ қўшимча харажатларни Пудратчига тўлаш;

5.2.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Товар маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.4. Етказиб берилган товар маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

6.5. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА УНГА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан ошиқ муддатга кечиктирилса;
- Пудратчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга ўтгиз кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартнома «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан тасдикланиб, ҳудудий ғазначилик бўлинмаларида руйхатга олингандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## 10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ.

10.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

10.2. «Буюртмачи» «Пудратчи»га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, «Пудратчи»нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

## 11. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

11.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Пудратчи томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.


11.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма далолатномасида қайд этилади.


11.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

11.4. Ушбу шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Буюртмачи»	«Пудратчи»
<b>Наманган шаҳар халқ таълим бўлими</b> <b>Манзил: Б.Машраб кучаси 12-уй</b> Тел./факс: 93-776-53-53 ш/ҳ* 100022860144017092100075093 Бюджетдан маблағ олувчи СТИР: 200056810 ОКОНХ 97600 Молия Вазирлиги ягона Газна Банкнинг номи Тошкент шаҳар Марказий банк бош бошқармаси х/в: 23402000300100001010 МФО 00014 ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919	<b>«Project City Group» МЧЖ</b> Манзили: Наманган шаҳар Оромгоҳ кўчаси, 11-уй Хср: 2020 8000 5054 0098 8001 Банк: АТБ «Капиталбанк» Наманган филиали МФО: 01085 ОКЭД: 41100 ИНН: 308505471 Тел: (+99897) 217-05-55
Мудир: в/б  <b>О.Тошпулатов</b>	Директор:  <b>М.Тожибаев</b>



Юрис:  **Б. Абдуғаниев**

## YURIDIK XULOSA

№ UY80630111

**«Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 21-moddasi tartibida**

2022-yil 29-sentabr

Namangan sh.

Namangan shahar Xalq ta'limi bo'limi hamda "Project City Group" XK bilan 2 600 000 so'm bo'lgan pudrat **shartnoma loyihasi** amaldagi qonunchilik hujjatlariga muvofiqligi tekshirildi va quyidagilar aniqlandi, jumladan:

Mazkur shartnomada ko'rsatilgan munosabatlar **O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida»** gi O'zbekiston Respublikasi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining **"Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"**gi Farmoni bilan tartibga solinadi;

Shartnoma shartlari «Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida» gi O'zbekiston Respublikasi qonunining 10-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 354-moddasi hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining **"Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"**gi Farmonining 3-bandi talablariga mos keladi.

Shartnoma loyihasida:

-taflarning javobgarligi va nizolarni hal etish tartibi;


-korrupsiyaga qarshi qo'shimcha shartlar, shartnoma bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar)" Ro'yxati, miqdori, narxi va boshqa shartnomaning asosiy rekvizitlari belgilangan.

Yuqoridagilarga asoslanib hamda shartnoma loyihasini huquqiy ekzpertizadan o'tkazish natijalaridan kelib chiqib,

### XULOSA QILAMAN:

- Mazkur shartnoma loyihasi qonunchilik talablari doirasida tuzilgan hamda taflar shartnomani tegishli tartibda rasmiylashtirishlari mumkinligi tavsiya etiladi.

Namangan shahar yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti



O.Yo'ldashev



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga:

**"PROJECT CITY GROUP" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning — tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"PROJECT CITY GROUP" MChJ**

(Yuridik shaxsning o'zgarib qolgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'tumotlarini o'zgartirish)

19.05.2021

992408

ro'yxat raqamini yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

308505471

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Namangan viloyati, Namangan shahri, Mingchinor MFY, Oromgox ko'chasi,  
11-uy.

Guvohnoma:

Namangan viloyati, Namangan shahri, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Ўзбекистон  
Республикаси  
Қурилиш вазирлиги

№ 3600-4461-597a-0fab-5fa1-8349-8432  
Хужжат яратилган сана: 2021-10-03  
Ариза рақами: 36920304

Хужжат берилган: "PROJECT CITY GROUP" MCHJ  
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 308505471

## Архитектура-шаҳарсозлик хужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"PROJECT CITY GROUP" MCHJ га объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги:  
Тулик комплексда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари, А гуруҳи Уй-жой-хўжалик қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета хужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 30-09-2021 йил

Лицензия рақами: АЛ-001916

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТПР): 308505471

Юридик шахснинг почта манзили: NAMANGAN SHAHAR MINGCHINOV MFY, OROMGOX KO'CHASI, 11-UY

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ALIMUXAMEDOV ALIJON RASHOD O'G'LI

Мазкур хужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомига мувофиқ шакллантирилган электрон хужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон хужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрисидаги текшириш узун zero.gov.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон хужжатнинг нoseb рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Давлат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон хужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон хужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни раф-этишлари қатъий таъқиқланган.

5241



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 144577 на приобретение 6- мактаб Услуга по разработке проектно-сметных работ**

Способ проведения электронный

Дата 17.09.2022

Время рассмотрения 17.09.2022 15:38

Закупочная комиссия Наманган шаҳар халқ талими бўлими марказлашган хисобхонаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ABDULLAYEV AKBARALI XAMIDULLAYEVICH	Начальник отдела	Халқ таълим
<b>Секретарь комиссии</b>	XOLMIRZAYEV ABDUVOXID AXADOVICH	Кадровый отдел	Халқ таълим
<b>Член комиссии</b>	ABDUSALOMOV ABDUSHUKUR AXMADJON O'G'LI	Член комиссияси	Халқ таълими бўлими
<b>Член комиссии</b>	ERGASHBAYEV SHOXRUXJON SHUXRAT O'G'LI	Специалист	Халқ таълим
<b>Член комиссии</b>	KAMBAROVA NILUFAR MUXITDINOVNA	Председатель профсаюза	Халқ таълим
<b>Член комиссии</b>	MIRKAMILOV MADIYOR MADAMINJANOVICH	Отдел кадров	Халқ таълим

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 17.09.2022 года № лота 144577.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 40

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по разработке проектно-сметных работ</b>
Подробное описание	6- мактаб Услуга по разработке проектно-сметных работ
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	3 000 000.00
Стартовая сумма	3 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот. 7-шакл

Обязательность: Не критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО PROJECT CITY GROUP	9	1. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот.	9	Экспертная		
ООО ASAD-ПРОЕКТ	9	1. Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот.	9	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 – шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш. 1 – шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО PROJECT CITY GROUP	8	7. Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш.	8	Экспертная		
ООО ASAD-ПРОЕКТ	8	7. Танлов иштирок этиш буюртмасини таъминлаш.	0	Экспертная		

Критерий №3 Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Машина ва механизмлар рўйхати, 6 – шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО PROJECT CITY GROUP	15	6. Лойиха ташкилот инвентар туплами	15	Экспертная		
ООО ASAD-ПРОЕКТ	15	6. Лойиха ташкилотни инвентар рўйхати,	15	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл.

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома. 9-шакл.

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO PROJECT CITY GROUP	9	5. Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома.	9	Экспертная		
OOO ASAD-PROEKT	9	5. Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома.	0	Экспертная		

Критерий №5 Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси. 5-шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO PROJECT CITY GROUP	20	4. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси.	20	Экспертная		
OOO ASAD-PROEKT	20	4. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси.	20	Экспертная		

Критерий №6 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 2 - шакл

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
OOO PROJECT CITY GROUP	17	3. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар.	17	Экспертная		
OOO ASAD-PROEKT	17	3. Танлов иштирокчиси	17	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ҳақида умумий маълумотлар.				

Критерий №7 Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи. 3 ва 4-шакллар

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО PROJECT CITY GROUP	22	2. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи.	22	Экспертная		
ООО ASAD-PROEKT	22	2. Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи.	22	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО ASAD-PROEKT	3 000 000.00	2 608 000.00 UZS	2 608 000.00	00.00	2 608 000.00	15.09.2022 16:10:53	9.96933
ООО PROJECT CITY GROUP	3 000 000.00	2 600 000.00 UZS	2 600 000.00	00.00	2 600 000.00	13.09.2022 13:52:19	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ООО ASAD-PROEKT	74.7	9.96933	84.66933
ООО PROJECT CITY GROUP	90	10	100

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 144577 от 17.09.2022 года на приобретение 6-мактаб Услуга по разработке проектно-сметных работ определила победителем:

ООО PROJECT CITY GROUP  
308505471

и резервный исполнитель: ООО ASAD-PROEKT (306592494)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ABDULLAYEV AKBARALI XAMIDULLAYEVICH	Согласен	

Член комиссии	ABDUSALOMOV ABDUSHUKUR AXMADJON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ERGASHBAYEV SHOXRUXJON SHUXRAT O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	KAMBAROVA NILUFAR MUXITDINOVNA	Согласен	
Член комиссии	MIRKAMILOV MADIYOR MADAMINJANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

## МУХОКАМА АХБОРОТИ

“ 20 ” 09. 2022 йил

Наманган.ш

Наманган шаҳар халқ таълими бўлими ташкилоти томонидан 2022 йил “09” Сентябрдаги №-22110012144577 сонли лотга асосан Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича жорий таъмирлаш учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича (000 “ASAD-ПРОЕКТ” 000 “PROJECT CITY GROUR”)лар томонидан таклифлар берилган. Шулардан, 000 “PROJECT CITY GROUR”)нинг таклифи комиссия аъзолари иштирокида энг мақбули деб топилди. Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62 моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш кун ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши мумкин ҳисобланиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

**Наманган шаҳар ХТБ**  
буюртмачи ташкилоти мудири :

**О.Ташпулатов**



**Наманган шаҳар ХТБ**  
ташкилоти бош ҳисобчиси

**Ш.Рахимбердиев**